ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.12.2018.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАҲКАМОВ ҚОДИРЖОН ОДИЛЖОНОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚУВЧИЛАР ТАРИХИЙ ОНГИНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ)

22.00.03 – Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УЎК:316.61:373.5:94:372.36(575.1)(043.3)

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философи (PhD) по социологическим наукам

Contents of Dissertation Abstract of Doctor Philosophy (PhD) on sociological Sciences

Маҳкамов Қодиржон Одилжонович
Ўзбекистонда ўқувчилар тарихий онгининг янгиланиши ва ривожланиши (социологик таҳлил)..... 3

Махкамов Кодиржон Одилжонович
Обновление и развитие исторического сознания учащихся в Узбекистане (социологический анализ)..... 23

Maxkamov Kodirjon Odiljonovich
Renewal and development of the historical consciousness of schoolchildren in Uzbekistan (sociological analysis)..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.12.2018.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАҲКАМОВ ҚОДИРЖОН ОДИЛЖОНОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎҚУВЧИЛАР ТАРИХИЙ ОНГИНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ)

22.00.03 – Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Sots14 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Давлат бошқаруви академияси веб-саҳифасида (info@dba.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталига (www. Ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Умаров Абсалом Адилович** социология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Матибаев Тасполат Болтабаевич** социология фанлари доктори
	Мавланов Ўктам Махабасобирович тарих фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.29.12.2018.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси маъмурий биноси, __-қават, __-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. ЎзР Президенти ҳузуридаги ДБА маъмурий биноси, __-қават, __-хона. Тел.:0 (371)232-60-47

Диссертация автореферати 2019 йил «____»_____да тарқатилди.

(2019 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

М.Б.Бекмуродов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, с.ф.н.

Ш.М.Содиқова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,с.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари шиддат билан кечаётган, ғоявий тазйиқ ва мафкуравий хуружларнинг янгидан-янги воситалари ишга солинаётган ҳозирги даврда халқларнинг ўз тарихий илдизларига таяниши тобора яққол тус олаётган бўлса, иккинчи томондан, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация воситаларининг чексиз имкониятларидан фойдаланган ҳолда кишиларнинг тарихий хотирасини ўзгартириб, тарихий онгига путур етказиш пайида бўлувчи ғоявий мухолифларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам фаоллашмоқда.

Бутун дунёда тарихий онг феноменини илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар асосида ўрганиш ҳамда ёшлар тарихий онгини ривожлантириб боришга бўлган қизиқиш борган сайин кучаймоқда. Миллий мансублик туйғусини ривожлантиришда тарихий онгнинг устувор аҳамиятини аниқлаш, ёшларнинг тарихий тафаккурини янги ахборот технологиялари асосида шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш, тарихий онг тараққиётини ифодалайдиган ижтимоий-маданий жиҳатлар (тарихий нарративлик)ни тадқиқ этиш, ёшлар тарихий онгини ривожлантиришда меъморий обидаларнинг ўрнини ўрганиш сингари бир қатор инновацион ёндашувлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон келажаги бўлган баркамол авлодни «Ватан тарихига ҳурмат», «тарихий хотира», «тарихий баҳо», «тарихий ифтихор» тушунчалари руҳида тарбиялаш учун ёшларга буюк меросимизга доир билимлар беришни юқори савияга кўтариш, барча босқичдаги таълим тизимида ўқувчи ёшлар тарихий онгини ривожлантириш мақсад қилиб қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятининг ташкил этилганлиги, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга эътибор кучайиб бораётганлиги, буюк мутафаккирлар илмий ижодини тадқиқ этувчи халқаро илмий-тадқиқот марказларини тузиш тўғрисидаги қарорлар, шунингдек, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳар томонлама етук, ватанпарвар авлодни тарбиялаш мақсадига қаратилгандир. «Хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»[1] муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқувчилар тарихий онгини ривожлантириш, унинг ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ва шахс тарбияси тизимидаги ролини тадқиқ этиш назарий ва амалий аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ги Қонуни (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, «Ёшларга оид

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. https://president.uz/uz/lists/view/2228

давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда миллий тарихимизни тиклаш ва ўрганиш, уни халқ онгига сингдириш борасидаги амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фуқароларда ижтимоий масъулият, фуқаролик бурчи ва миллий ғурур туйғусини таркиб топтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар, Юртбошимиз маърузаларида[2] ёш авлод маънавий-ахлоқий тарбияси бўйича баён этилган концептуал ғоялар, тарихимизни ўрганиш ва ўқитиш, тарихий-маданий меросимизни тадқиқ этиш ва кенг ёйиш бўйича қабул қилинган қарорларда[3] белгиланган вазифалар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Тарихий онгнинг ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи куч экани, жамиятда уни шакллантириш зарурлиги жуда қадим замонлардаёқ англаб етилган. Асрлар давомида афсона ва ривоятларда, эртак ва достонларда мадҳ этилган халқ қаҳрамонлари ҳар бир ёш авлод учун ибрат намунаси бўлиб келган.Тарихий онгни назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳам дунёнинг деярли барча минтақаларида ижтимоий-гуманитар фанларнинг турли вакиллари томонидан амалга оширилган ва бу тадқиқотлар давом этмоқда. Хусусан, тарихий онг ва тарихий маданият типлари назариясини яратган немис олими Йорн Рюзен, тарихий онгнинг миллий маданий мансублик шаклланишидаги ҳал қилувчи аҳамиятини ўрганган америкалик Самуэл Хантингтон, XX асрда

---

[2] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М.Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг» 2017 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ПҚ-3105-сон Қарори; 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-марифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» ПҚ- 3160- сон Қарори.

тарихий онгни ўрганиш методологиясини ишлаб чиққан француз файласуфи ва социологи Раймон Аронниинг хизматлари илмий эътиборга молик.

Тарихий онг муаммоси россиялик М.Ширманова, Ю.Либиг, О.Сгибнева, А.Самиев, А.Панюков, О.Лосева, Р.Каменская, М.Чистанов, А.Леопа ва бошқа тадқиқотчиларнинг диссертацияларида фалсафий нуқтаи назардан, В. Мелешкин, П.Гречухин, А.Люблин, И.Яблоковлар ишларида эса тарихий нуқтаи назардан ўрганилган. Муаммога социологик ёндашув Ж.Тощенко, В.Утенков, М.Горшков, Л.Кононова, Т.Путятина, В.Фролов сингари олимлар тадқиқотларида амалга оширилган.

Мустақиллик туфайли миллий тарихимизга бўлган нохолис муносабат ўзгарди. Шу билан боғлиқ ижтимоий-гуманитар таълим, хусусан, тарих фанини ўқитишнинг мазмун-мундарижаси тубдан янгиланди. Жамият аъзоларининг, айниқса, ёшларнинг тарихий онгини асл, ҳаққоний тарихимиз асосида шакллантириш ва ривожлантириш учун ҳаракат бошланди. Бу бир томондан амалий, яъни таълим тизими, маънавий-маърифий ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш орқали бўлса, иккинчи томондан, назарий, яъни ўқитилаётган фанларнинг мазмунини талаб даражасига кўтариш, уни янги далиллар ва илмий хулосалар билан бойитиш учун тадқиқотлар олиб бориш орқали рўёбга чиқарилмоқда.

Мамлакатимизда «тарихий онг», «тарихий хотира», «миллий ўзликни англаш», «ватанпарварлик» тушунчалари Ж.Туленов, И.Жабборов, С.Отамуратов, Г.Никитенко, Д.Ғуломова, М.Мамажанова, М.Ганиева, Р.Рахманов, Ф. Файзиев, М.Бекмуродов, О.Абдуазимов, Р.Абдуллаев, Д.Абдуллажанова, Д.Алимова, Қ.Шоназаров каби бир қатор файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог олимлар ва илмий изланувчилар томонидан тадқиқ этилган. Шу билан бирга, мустақил Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишга доир концепциялар ишлаб чиқилган.

Диссертация мавзуси бўйича адабиётлар таҳлилидан кўринадики, тарихий онг, унинг структураси, генезиси, уни шакллантириш ва ўрганиш муаммолари хорижда бирмунча мукаммал амалга оширилган. Ўзбекистонда ўқувчи ёшлар тарихий онги мавзуига оид илмий мақолалар ёзилган бўлса-да, алоҳида монографик тадқиқотлар мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда ўқувчилар тарихий онгининг янгиланиши ва ривожланишини социологик жиҳатдан тизимли таҳлил қилиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Фуқаролик жамияти шаклланиши шароитида ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқувчилар тарихий онгининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини ўрганиш, уларда тарихий онг янгиланишининг социал омилларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«тарихий онг» тушунчасининг илмий таърифини бериш, унинг ёндош тарихий категориялар қаторидаги ўрнини белгилаш;

тарихий онгнинг генезиси ва эволюциясини ўрганиш асосида унинг жамият маънавий юксалишидаги ўрнини аниқлаш;

тарихий онгни шакллантиришнинг ижтимоий-маданий манбаларини таснифлаш;

ўқувчилар тарихий онгининг янгиланишида миллий ғоянинг роли ва аҳамиятини асослаш;

Ўзбекистон таълим-тарбия тизимида тарихий онгни ривожлантиришнинг ижтимоий-маданий омилларини ёритиб бериш;

ўқувчиларга «ўзликни англаш», «миллий ғурур», «ватанпарварлик» тушунчаларини сингдиришнинг социал-педагогик механизмларини ўрганиш;

ўқувчи ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлаш билан боғлиқлигини кўрсатиб бериш;

ўқувчилар тарихий онгини янада ривожлантириш ва тарихий хотирасини мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда умумтаълим муассасаларининг юқори синф ўқувчилари олинган.

Тадқиқотнинг предметини ушбу муассасалар ўқувчиларида тарихий онгни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мантиқийлик, тизимлилик, кузатиш, ахборот тўплаш, сўровнома, эркин интервью, қиёсий таҳлил, эксперт сўров усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий онгни 4 босқичли ўлчашнинг социологик усули(Р.Арон)ни қўллаган ҳолда қуйи (ўрта таълимгача), ўрта (таълимдан ташқари), юқори (умумтаълим) ва олий (умумтаълимдан кейинги) даражаларининг тизим ясовчи элементлар сифатидаги ўзаро тақозавийлиги асосланган;

ўзгарган замон ва давр руҳи таъсирида шаклланувчи янги тарихий онг ўқувчи ёшларда ўзликни англаш, миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларининг юксалишига олиб келиши исботланган;

ижтимоий-маънавий ҳаёт динамикасида кузатилаётан ижобий ўзгаришлар (миллий қаҳрамонлар номларининг тикланиши, улар ҳақида санъат асарлари яратишга доир ташаббуслар, ҳудудлардаги қадамжолар ва тарихий шахслар маънавий меросини тиклашга қаратилган фаолият) нинг ўқувчиларда янгича тарихий онг шаклланишига ижобий таъсири далиллар билан очиб берилган;

ўқувчилар тарихий онгини юксалтиришда ҳамда геосиёсий, ғоявий-мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириб боришда маҳаллий тарихни факультатив машғулотлар шаклида ўқитиш усули орқали уларда ватанпарварлик ва ўз ҳудудига садоқат туйғуларини самарали ривожлантириш имконияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчи ёшлар тарихий онгини янгилаш ва уни ривожлантириб боришнинг социал механизмлари ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактабларида ҳамда ўрта махсус таълим тизимида ўқитилаётган тарих фани дарсларини такомиллаштиришга ҳамда гуманитар фанлар йўналишидаги тўгараклар фаолиятини самарали ташкил этишга оид бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган рисола ва қўлланмалар, тадқиқотларда қатнашган респондентларнинг репрезентативлиги, тадқиқот хулосалари, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан маъқулланиб, амалиётга жорий этилгани билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг *илмий* аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялардан тарихий онгни ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғояни ёшлар онгига сингдириш бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда, шунингдек, маданий-маърифий ишлар самарадорлигини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда назарий асос сифатида фойданиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг *амалий* аҳамияти олинган натижалардан Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълими тизимида ижтимоий-гуманитар фанлардан маъруза ва амалий машғулотлар олиб бориш ҳамда ёшларда тарихий онгни ривожлантиришга йўналтирилган маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда, тарих фани дастурларини такомиллаштиришга қаратилган мақсадли лойиҳалар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Ўзбекистонда ўқувчилар тарихий онгининг янгиланиши ва ривожланиши (социологик таҳлил)» мавзусидаги диссертация тадқиқотининг қуйидаги натижалари амалиётга жорий қилинган:

ўзгарган замон ва давр руҳи таъсирида шаклланувчи янги тарихий онгнинг ўқувчи ёшларда ўзликни англаш, миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларининг юксалишига олиб келиши билан боғлиқ илмий таклифлардан Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларининг 10–11-синфлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун мўлжалланган «Маънавият асослари» дарслигининг «Инсон маънавияти ва миллий ўзликни англаш», «Глобаллашув шароитида миллий маънавиятга қарши таҳдидлар» каби мавзулардаги 2-14-параграфларни илмий маълумотлар билан бойитиш ҳамда такомиллаштиришда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2018 йил 28 майдаги 01/11-01/05-857-сон маълумотномаси). Бу умумтаълим мактабларининг 10–11-синфлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўтиладиган «Маънавият асослари» дарси орқали ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур, ор-номус, ўзликни англаш туйғулари юксалишига, уларда бугунги глобал маънавий таҳдидларга қарши маънавий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилган;

ижтимоий-маънавий ҳаёт динамикасида кузатилаётан ижобий ўзгаришларнинг ўқувчиларда янгича тарихий онгни ривожлантириш хусусиятларига доир таклифларидан Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларининг 10–11-синфлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун мўлжалланган «Маънавият асослари» дарслигининг «Инсон маънавияти ва миллий ўзликни англаш», «Маънавий мероснинг инсон маънавиятига таъсири» каби мавзулардаги 2-,6-параграфларини илмий маълумотлар билан бойитиш ҳамда такомиллаштиришда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2018 йил 28 майдаги 01/11-01/05-857-сон маълумотномаси). Бу ўқувчиларда миллий қаҳрамонлардан ибрат олиш, ҳудудлардаги қадамжолардан ғурурланиш ва тарихий шахслар маънавий мероси каби элементлари ва унинг инсон маънавиятига таъсир кўрсатиш механизмларидан фойдаланиш орқали тарихий онгни ривожлантиришга хизмат қилган;

Р.Арон (тарихий онгни 4 босқичли ўлчаш усули) ҳамда Т.Парсонс (тизимли таҳлил) назарияларини қўллаган ҳолда ўқувчиларда тарихий онгни ривожлантиришга доир таклиф ва тавсияларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг «Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш» мавзусидаги И-2016-1-33 рақамли давлат грантини амалга оширишда фойдаланилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 1 августдаги 01/07-899-18–сон далолатномаси). Бу ёшларда тарихий хотира, тарихий онгни ривожлантиришга комплекс ёндашиш (мактабгача таълим, ўрта таълим, таълимдан ташқари ва ўрта таълимдан кейинги даражаларни уйғунлаштириш) орқали самарадорликка эришиш имконини берган;

ўқувчиларда геосиёсий, ғоявий-мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириб боришда маҳаллий тарихни факультатив машғулотлар шаклида ўқитиш усули орқали уларда ватанпарварлик ва ўз ҳудудига садоқат туйғуларини самарали ривожлантириш борасида илгари сурилган таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг «Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш» мавзусидаги И-2016-1-33 рақамли давлат грантини амалга оширишда фойдаланилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 1 августдаги 01/07-899-18–сон далолатномаси). Бу ўқувчиларда дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама англаб етишга, соғлом дунёқарашни шакллантиришга, миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 28 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган Улардан: ОАК рўйхатида келтирилган журналларда 4 та илмий мақола, шу жумладан, чет эл журналларида 2 та илмий мақола, илмий-амалий конфренцияларда 20 та маъруза ва тезислар, 1 та услубий қўлланма ва 1 та рисола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 6 та параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тарихий онг тушунчасининг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида мазкур тушунчанинг таърифи ва тавсифи, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиш майллари, моҳияти ва мазмуни, жамият ва шахс ҳаётидаги ўрни ва роли, структураси ва ижтимоий функциялари тадқиқ этилган.

«Тарихий онг» тушунчасига илмий ва илмий-оммабоп адабиётларда кўплаб таърифлар берилган. Масалан, Р.Абдуллаев мазкур тушунчани қуйидагича таърифлаган: «Илм-фанда тарихий онг деганда, одатда, ижтимоий гуруҳлар, синфлар, халқлар, миллатларда ўзининг келиб чиқиши, ўз тарихидаги муҳим воқеалар ва ўтмишдаги буюк арбоблар ҳақида, ўз тарихининг бошқа кишилик жамоалари ва умуман башарият ҳамжамияти тарихи билан нисбати ҳақидаги қарашлар, анъаналар, удумлар, одатлар, концепциялар мужассами тушунилади.»[4] Тарихчи Д.Абдуллажанова «Тарихий онг ижтимоий онг шакли бўлиб, жамият томонидан ўзининг келиб чиқиши ва замондаги ўрни, ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ўртасидаги алоқадорликнинг англаниши, ижтимоий воқеликнинг объектив идрок этилишидир»[5] деб таърифлайди. Ўйлашимизча, тарихий онгни ҳар бир ижтимоий онг шаклига, умуман, ижтимоий соҳаларнинг барчасига хос компонент дейиш тўғри бўлади, зеро фан ва динда ҳам, фалсафа ва санъатда ҳам, ахлоқ ва ҳуқуқда ҳам ўз тарихи, ўз тарихий онги борлигини инкор этиб бўлмайди.

Тарихий онг шаклланишининг дастлабки босқичларида инсон ҳали назарий умумлашмалардан йироқ бўлиб, уни баҳолашда фалсафий ва социологик мезонлардан фойдаланмайди, балки кўпроқ амалий турмушдаги бошланғич таассуротларга таянади. Муайян ижтимоий гуруҳнинг ёки шахснинг бундай тарихий онги ўтмиш аждодлардан мерос узуқ-юлуқ илмий билимлар, содда тасаввур ва баҳолардан иборат бўлади. Тарихий онгнинг бундай жўн кўриниши ҳам киши маънавий оламини бойитишга ёрдам беради, бироқ жўнлигича қолаверади. Тарихий воқеа-ҳодисларга илмий баҳо

---

[4] Абдуллаев Р.Т. Тарихий онг ва Ўзбекистоннинг замонавий тарих фани. //Тарих ва ўзликни англаш II:Ўзбекистон ва Германия XX асрда. - Тошкент, 2007. - Б. 6-12.

[5] Абдуллажанова Д. Тарихий онг ва тарихий хотира. //Фалсафа ва ҳуқуқ. - Тошкент, 2004. - № 2. - Б.83.

бериш, тарихий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлаш, конкрет сиёсий вазиятларни таҳлил қилиш бундай онг вакиллари имкониятидан ташқарида бўлади. Тарихий жараённинг маънавий жиҳатини ташкил қилувчи ижтимоий онг элементи бўлмиш *тарихий билим*ни тизимли тарзда, унинг барча босқичлари ҳамда даражаларида қабул қилиш зарур, чунки тизимли ёндашувсиз, воқеа ва ҳодисаларга тарихий тафаккур билан муносабатсиз тарихий онг ҳақидаги тасаввурлар тўлиқ бўлмайди. Таниқли социолог Ж.Т. Тошченко ёзади: «Агар тарихий онгнинг мазмун-моҳиятини тавсифлайдиган бўлсак, айтиш мумкинки, у умуман жамиятга, хусусан, турли ижтимоий-демографик, ижтимоий-касбий ва этно-ижтимоий гуруҳларга, шунингдек, алоҳида кишиларга хос бўлган ўтмишни бутун турфа хиллиги билан идрок этиш ва баҳолашни ўзида акс эттирувчи ғоялар, қарашлар, тасаввурлар, ҳиссиётлар, кайфиятлар мажмуидир»[6]. Бу ерда ўтмишни хилма-хил воситалар орқали идрок этиш, тушуниш ва баҳолашга урғу берилишидан англаш мумкинки, тарихий онг феномени ўта мураккаб, унинг функциялари серқиррадир. Марҳум академик Ж.Туленов ва профессор И.Жабборовлар бу феномен ҳақида «илгари содир бўлган тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган турли-туман манбалар, ашёлар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб, тарихимиз, маданиятимизнинг узлуксизлигини таъминлайди»[7], дея бежиз таъкидламаганлар.

Келтирилган ёндашувлар, таърифларни умумлаштирсак, ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли бўлган тарихий онг – инсон ўтмиши ҳақидаги барча жараёнларни қамраб олувчи ҳамда унинг келажак тақдирини белгилашга хизмат қилувчи воситалар мажмуи экани ҳақидаги тасаввур ҳосил бўлади. Тарихий онг феномени универсал характерга эгалиги, жамият ва инсон ҳаётидаги вазифа ва функциялари мўллиги туфайли унга хилма-хил, ҳатто, баъзан бир-бирига зид келувчи таърифлар берилган, эҳтимол бу яна давом этар. Бизнингча, *тарихий онг, бир томондан, жамият, унинг ижтимоий гуруҳлари ва индивидларнинг ўз ўтмиши ҳақидаги, иккинчи томондан, уларнинг бутун инсоният ўтмиши ҳақидаги тасаввурлари, билимлари ҳамда тарихий тажрибалар силсиласидан тўпланган фалсафий хулосалари мажмуидир.*

Тарихий онг категориясининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаш учун унинг генезиси ва эволюциясига эътибор қаратиш лозим. Тарихий онгнинг вужудга келишида ўтмиш, қадрият-анъаналар ҳамда маданий-маънавий мерос асосий ўрин эгаллайди. Диний онгнинг асосини дин ташкил этса, тарихий онгнинг асосини тарих ташкил этади. Таниқли немис тарихчиси ва файласуфи Освальд Шпенглер таъбири билан айтганда, «Тарих – тирик борлиқдир». Зеро тарихий хотирасиз келажак бўлмайди, тарих кишилар ҳаёти, улар фаолиятига яширинган хотирадир. Тарихни ўрганиш, унга ҳар қандай мавзудаги мурожаат, инсонда муайян тарихий онгни вужудга келтиришга хизмат қилиб, унинг тарихий хотирага айланиб боришини таъминлайди. Тарихий онг инсоннинг ер юзида яшай бошлаган

---

[6] Тощенко Ж.Т. Историческое сознание и историческая память. Анализ современного состояния //Новая и новейшая история. – № 4, 2000 г., С.4.

[7] Туленов Ж., Жаббаров И. Тарихий онгни ривожлантириш давр талаби. –Тошкент: Меҳнат. 2000. –Б.7.

даврлариданоқ вужудга келиб, ривожланиб борган ва доим ўзгарувчан хусусиятга эга бўлган. Сабаби инсон жамият тараққиёти билан узвий, бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланади. Онгнинг шаклланиши кишилик жамияти пайдо бўлгандан буён шаклланган бўлса, тарихий онг ҳам ўша даврларданоқ шаклланиб, ривожланиб келган. Инсоният ибтидоий тўда босқичидан уруғчилик жамиятига ўтгандан сўнг инсонда олам ҳақидаги илк тасаввурлар пайдо бўлган, одам оламни англай бошлаган, бу эса инсон онги ривожланишини янги босқичга кўтарди. Тарихий онг генезисида дин муҳим ўрин тутади. Дин инсонда тарихий онг ва хотирани шакллантирган ҳамда ривожлантирган омилларнинг дастлабкиси ва асосийси ҳисобланади.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий ҳодиса ёки жараённинг ички тузилиши, таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро алоқалари, боғлиқлиги ҳамда шу тизим бажарадиган (унга юкланган) вазифаларни ўрганиш структурали-функционал таҳлил орқали амалга оширилади. Янги давр фалсафасида жамиятнинг структурали таҳлилини XIX асрда инглиз олими Герберт Спенсер бошлаб берди. Унинг социологик концепцияси жамиятни доимо мувозанатга интиладиган ўзига хос тирик организмга қиёс килиш билан ажралиб туради. Мувозанат нормал ҳаёт фаолиятининг шарти ва заминидир, «социал агрегат» бўлган жамият эса, индивид каби турли ҳаёт фазаларини ўтайди: ўсиб боради, мураккаблашади, ичдан табақаланади ва қисмларининг бир-бирига боғлиқлиги ортиб боради. Лекин Спенсер жонли организм билан жамият орасидаги туб фарқларни эътиборга олмаган, ҳар қандай жамият эволюцияси асосида ижтимоий тафовутларнинг «мультипликация» си, яъни ортиб бориши ётади, деб таъкидлаган.

Структурали-функционал метод ривожига Т.Парсонс, Р.Мертон каби социологлар беқиёс ҳисса қўшдилар. Айниқса, Т.Парсонснинг структурали ёндашув жамиятнинг статик ҳолатини, функционал ёндашув эса унинг динамикаси, ривожланиш жараёнларини чуқур англаб етишга йўл очиб беради, деган қарашлари тарихий онгни таҳлил қилиш учун ҳам аҳамиятлидир.

Тарихий онгнинг таркибий тузилишини ўрганишдан аввал унинг шаклланиш даражаларига диққатни қаратиш муҳим. Илмий адабиётларда унинг тўрт даражаси мавжудлиги ҳақидаги фикр кўпроқ оммалашган.

Тарихий онгнинг биринчи (қуйи) даражаси шаклланиши бевосита ҳаётий тажрибани тўплаш асосида юз беради. *Тарихий онгнинг иккинчи (ўрта) даражасида* шахснинг олам ҳақидаги билим ва кўникмалари турли урф-одат, маросим ва анъаналардаги иштироки, ота-онаси ёки ўзидан катталардан олган маълумотлари, бадиий адабиёт, кино, театр, радио, телевидение, меъморий обидалар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари таъсири остида шаклланиши мумкин. Аммо тарихий онгнинг бу даражаси ҳам ҳали тизимга солинган билимга айланмайди. *Тарихий онгнинг учинчи (юқори) даражаси* мактабда олинган тарихий билимлар асосида шаклланади. *Тарихий онг шаклланишининг тўртинчи (олий) даражаси* инсон ўтмишни ҳар томонлама назарий тушуниш, тарихий тараққиёт тенденцияларини пайқай олиш қобилиятига эга бўлганда юзага келади.

Тарих фани инсониятнинг ибтидоси, эволюцияси, ривожланиш тенденцияларини ўрганиш билан бир қаторда, ўтмиш ҳақидаги билимларни индивид онгида мустаҳкамлаш орқали унинг тарихий хотирасини шакллантиради. Шу тариқа тарихий онгнинг ички структуравий компонентлари зуҳур бўла бошлайди. Булар: тарихий қараш, тарихий идрок, тарихий тасаввур, тарихий хотира, тарихий тафаккур, тарихий маданият ва ҳ.қ.

Тарихий қараш тарихий онгнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади. У, биринчидан, ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларни ҳақиқий тарих нуқтаи назаридан, яъни қандай бўлса шу ҳолича эътироф этиш ва баҳолашни, иккинчидан, индивиднинг муайян мафкуравий платформадан, муайян позициядан туриб тарихга муносабатини билдиради. Айни пайтда, *тарихий қараш,тарихий идрок* ва *тарихий тасаввур*нинг иштирокисиз *тарихий хотира*нинг шаклланиши мумкин эмас. Бунда тарихий идрок воқеа ва ҳодисаларни тарихий қараш воситасида қабул қилиб ва ўзлаштириб, тарихий тасаввурга айланади, тасаввур эса жамланиб, кристаллашиб тарихий хотирани ташкил этади.

Жамият ва индивид ҳаётида *тарихий хотира*нинг роли катта. Халқ, миллат тарихий хотирани йўқотар экан, келажакдан маҳрум бўлади. Келажак нафақат орзу ёки истак, балки билиш предмети ҳам бўлгани учун ўтмишни, масалан, Ўзбекистон тарихини тушуниш жараёни унинг зарурий элементи ҳисобланади. Тарихий хотирада унинг субъектининг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва манфаатларига тааллуқли бўлган ҳолда ўтмиш ҳақидаги барча саралланган билим ва тасаввурлар жамланади. Шунингдек, ворисийлик қонуниятига кўра, аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий мерос сақланиб, кейинги авлодларга етказилади. Бу «занжир» жараёнида тарихий хотира ўтмиш ҳақидаги билимларни ўзида сақловчи муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, тарихий хотира янги ахборотларни қайта ишлаш орқали муттасил ривожланиб боради ва у моҳиятан ўтмишга эмас, балки келажакка қаратилган бўлади.

«*Тарихий маданият*» тушунчаси эса тарихий онг билан икки томонлама тақозо этувчи муносабатида бўлади. Яъни тарихий онгнинг юксаклиги тарихий маданиятга эришганликни билдирса, ўз навбатида тарихий маданиятлилик тарихий онгнинг олий даражага кўтарилишини таъминлайди.

Тарихий онгнинг *функциялари* ҳақида гапирганда унинг ўта серқирралиги, ўзгарувчанлиги ва ҳаракатчанлигига эътибор қаратиш лозим. Булардан энг муҳимлари:

- билиш функцияси;
- таълим бериш функцияси;
- дунёқарашни шакллантириш функцияси;
- тарбиявий-ахлоқий функцияси;
- миллатни жипслаштириш функцияси;
- маданий идентиклик (мансублик)ни сақлаш функцияси ва бошқалар.

Тарихий онг, ўз таркибига тарих, тарихий тафаккурни қамраб олиши билан маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, тарихни англаш орқали инсон ўз шахсини баҳолайди, ўзининг кимлигини англайди, бугунги кундаги ҳаётининг мазмунини тушунади ва ўзининг келажак фалсафасини яратади;

иккинчидан, инсон тарихий тафаккурини шакллантириш орқали шахс сифатидаги ўз бетакрор феноменини вужудга келтиради ва дунёқарашини шакллантиради ҳамда ўзлигини англаш, ҳақ-ҳуқуқлари учун кураша олиш қобилиятини юзага чиқаради;

учинчидан, тарихий онг буюк аждодлари билан фахрланиш, яхлит миллат эканини ҳис қилиш, жаҳон цивилизацияси ва инсоният тараққиётига, ўз мустақил давлати равнақига ҳисса қўшиш, Биринчи Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «маънавий жасорат» кўрсата олиш салоҳиятини тарбиялайди ва рағбатлантиради. Тарихий онг маънавий қудрат беради, ҳар бир фуқарони маънавий, руҳий ва ахлоқий жиҳатдан янгилайди. Ва шуниси билан жамият тараққиётига хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Тарихий онгни шакллантириш омиллари ва тараққиётда ворисийлик**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда мустақилликнинг илк давриданоқ маънавиятни тиклаш, халқ онгини эски мафкуравий ақидалардан тозалаб, истиқлол ғояларини сингдириш, миллий тарихни янги асосда ўрганишга доир саъй-ҳаракатлар таҳлил қилинган. Бу ишларни амалга оширишда «янги тарих» ғояси муҳим ўрин тутди.

Янги тарихни яратишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги «Ўзбекистоннинг Янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр қилиш тўғрисидаги Қарори катта аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида миллий тарих тизимли тарзда йўқотиб борилган, партиявийлик ва синфийлик юқори ўринга кўйилган, барча ижтимоий жараёнлар «коммунистик» мафкура асосида амалга оширилган эди. Расман мустақил, лекин амалда марказга бўйсундирилган республикаларда халқ маънавияти, қадрияти умуман ҳисобга олинмади.

Мустақилликдан аввал нашр этилган тарих, адабиёт дарсликлари, асосан социалистик интернационализм руҳида ёзилган бўлиб, уларда миллийликка деярлик эътибор берилмас, халқимизнинг советларгача бўлган тарихи фақат қора бўёқларда битилган, салбий жиҳатлар бўрттириб кўрсатилган эди.

Совет тарих фани халқимизнинг асл тарихини сохталаштирди, дин илмга зид, тарихий тараққиётга тўсқинлик қилади, деган нотўғри тушунчани юзага келтирди. Айтиш керакки, шўро мафкурачилари ўз мақсадларига маълум даражада эришдилар ҳам: вақтлар ўтиб ўқувчилар тарихий онгида миллий қадриятларни ўрганишга бўлган муносабат ўзгарди. Халқнинг тарихий хотираси коммунистик мафкура ғоялари асосида шакллантирилди, натижада, ўз тарихини ўрганиш, ундан фахрланиш туйғулари йўқолиб борди.

Собиқ иттифоқ даврида нашр этилиб, ўқитилган ижтимоий-гуманитар йўналишдаги дарсликларда ватан тарихини ўрганиш аниқ ва ишонарли тарихий фактлар эмас, тарихий уйдирмалар асосида ёзилди, шу билан бирга, дарсликларга ҳукмрон мафкура ғоялари чуқур сингдирилган эди. Сирасини айтганда, «ҳеч қайси мустамлака давр тарихшунослиги миллий тарихни

ёритишда мустамлакачилар чизган чизиқдан чиқа олмаган.»[8] Бунинг устига мактабларга мўлжалланган «СССР тарихи» дарсларида, асосан, Россия тарихи ўқитилар, иттифоқдош республикалар тарихи ҳақида бир-икки ўринда номигагина сўз юритилар, уларга ажратилган соатларда катта тафовутлар бор эди. Масалан, собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар (Россия ёки ўша вақт қисқартмаси билан айтганда РСФСР ҳам шу таркибда бўлса-да у ҳисобга кирмайди) – Грузия, Арманистон, Латвия, Литва ва Эстония мактабларида миллий тарих махсус курс сифатида 180–212 соат ўрганилгани ҳолда Ўзбекистон мактабларининг V–X синфларида миллий тарих «СССР тарихи» курсининг «ажралмас» қисми сифатида бор-йўғи 22 соат ўқитилар эди[9].

Тарихий жараён тўғрисидаги мунтазам билимлар мактабда тарих дарсларида эгалланар экан, ёшларимиз тарихий онгини ҳақиқий тарихимизга мос, халқимизнинг асл қадриятлари руҳида шакллантириш учун, биринчи навбатда, миллий ғоя асосларига таяниш зарур. Маълумки, «миллий ғоя – муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштиради, унинг туб манфаатларини, мақсадларини ифодалайди. Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради»[10].

Кўринадики, «миллий ғоя» билан «тарихий онг» амалда бир-бирини тақозо этадиган тушунчалардир. Тарихий онги шаклланган шахснинг миллий ғояни ўзлаштириши, уни эътиқодга айлантириш жараёни ўз-ўзидан, табиий равишда кечади. Ёхуд, аксинча.

Тарихий онгни шакллантириш фақат билим (ахборот) доирасини кенгайтириш эмас, келажакка ишончни ҳам мустаҳкамлашдир. Америкалик психолог Абраҳам Маслоу ҳозиргача кўп дарсликлардан жой олиб келаётган «инсон эҳтиёжлари иерархияси» да табиий эҳтиёжлардан кейинги ўринда тинчлик ва хавфсизликка бўлган эҳтиёж, эртанги кунга ишонч эҳтиёжи туради, деб ҳисоблайди. Тарихий онг мураккаб ижтимоий-психологик феномен бўлгани боис уни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни ҳам кўплаб ижтимоий-маданий асосларга таянган ҳолда кечади. Айтайлик, ўзбек халқининг маданий меросларидан бўлмиш меъморчилик санъати минг йиллар давомида яратилган бўлиб, биз учун гўёки тирик тарих ифодасидир. Чунки тарихий маданий обидаларимиз узоқ ўтмишни эслатиб турувчи бир иншоотгина эмас, балки кишида миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларини ривожлантирувчи, ўтмиш ҳақида холис тарихий маълумот берувчи, тарихий ватанпарварликни юксалтирувчи, қолаверса, жамият ҳаётидаги тарихий онгнинг ифодаси бўлмиш тарихий маданиятни шакллантирувчи муҳим восита ҳам ҳисобланади. Ёшлар (айниқса, ўқувчи ёшлар)да тарихий онгни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини амалга оширишда

---

[8] Тарих ва ўзликни англаш III: Ўзбекистон ва Германияда тарихни ёритиш. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.5.

[9] Қаранг: Тошпўлатов Т., Ғаффоров Я. Тарих ўқитиш методикаси. –Тошкент: Университет, 2002. – Б.5.

[10] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2003. – Б.666.

социологик ва педагогик ёндашувларни такомиллаштириб бориш ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилидир.

Глобаллашув жараёнлари таъсири остида тарихий онг ўзгаришининг қонуниятлари ва тенденцияларини ўрганиш, ушбу таъсирнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугун ғоявий-мафкуравий хуружлар авж олаётган бир пайтда тарихий онг инсонда ушбу хуружларга қарши иммунитет ҳосил қилади ҳамда турли тарихий даъволарнинг ижтимоий-сиёсий, тарихий сабабларини таҳлил қилиш функциясини шакллантиради. Қолаверса, ёшларда тарихий онгни ривожлантирувчи услублардан фойдаланган ҳолда уларда ватан туйғуси, муайян миллатга, халққа мансублик ифтихори, тарихий ватанпарварлик, ўз миллати билан айнанлигини ҳис этиш салоҳияти, миллий ғурур, миллий ор-номусни шакллантириш, ривожлантириш вазифасини ҳам бажаради. Мазкур хусусиятлар шахснинг ватанпарвар бўлиб камолга етишишида таянч ҳисобланиб шу орқали мамлакат ўзининг барқарор келажагини таъминлаш учун мустаҳкам пойдевор барпо этади.

Диссертацияда тарихий онгни ривожлантириш омиллари немис тарихчиси ва назариётчиси Йорн Рюзеннинг «тарихий нарратив» модели асосида таҳлил қилинган. Рюзен тарихий онгнинг тараққиётини ифода этувчи нарратив (ҳикоя, ривоят)нинг тўрт типини ажратиб кўрсатган. Булар анъанавий, ибратомуз, танқидий ва генетик типлардир. Зотан, немис олимининг фикрича, тарихий онг ўтмиш тажрибасини бугунги кун ва кутилаётган келажак нуқтаи назаридан баҳолаб, амалий ҳаётда тўғри йўлни топиш имкониятини ҳосил қилишдир[11].

Дарҳақиқат, халқнинг маданияти, миллий менталитети, урф-одат ва анъаналари тарихий онгни шакллантирадиган муҳим омиллардандир. Ҳаётга энди қадам кўяётган ёш авлод, ақлини таний бошлагандан эътиборан, муайян урф-одатлар муҳитида улғая бошлайди, ота-боболаридан мерос бўлиб келаётган одатлар, расм-русумлар ўйлаб ўтирмасдан, табиий бир тарзда қабул қилинади. Ёш авлоднинг ижтимоийлашувида бундай ворисийлик муҳим роль ўйнайди. Вақти келиб инсон улғайгач, бирор маросим ва байрамда қатнашар экан, унинг қай пайт ва нима учун келиб чиққани, қандай мазмун ва моҳиятга эга экани билан қизиқади. Инсоннинг урф-одат ва маросимларга бўлган муносабати унинг ҳаёти мобайнида ўзгариб боради. Чунки жамиятдаги катта бурилишлар, социал катаклизмалар пайтида анъана ва урф-одатлар кескин трансформацияга учрайди, янги урфлар, байрам ва маросимлар пайдо бўлади. Мисол тариқасида Мустақиллик йилларида шаклланган халқчил маросим ва байрамлар, «Хотира ва қадрлаш куни», «Қатағон қурбонларини ёд этиш» кабиларни келтириш мумкин.

Тарихий онг, тарихий хотира ва миллий онг ўтмиш сабоқларини тўғри англаш билан бирга, келажакни ҳам кўра билишнинг маънавий замини ҳисобланади. Бунинг учун жамиятда мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёс. Тадқиқотда кейинги йилларда

---

[11] Қаранг: Мысливец Н.Л. Историческое сознание молодёжи как предмет социологического исследования //Н.Л. Мысливец // Смена парадигм в историографии всеобщей истории в Республике Беларусь и Российской Федерации: сб. науч. ст./Учреждение образования Гродненский гос. ун-т им. Я.Купалы.- Гродно : ГрГУ им. Я. Купалы, 2016 .- С.122-128.

мамлакатимизда мутолаа маданиятини юксалтириш, ёшлар орасида китобхонликни кенг ёйиш оммавий ҳаракатга айланиб бораётгани, бу йўлда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуслари, қабул қилинаётган директив ҳужжатлар ва уларнинг амалий натижалари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон таълим-тарбия тизимида ўқувчилар тарихий онгини ривожлантириш тамойиллари**» деб номланган учинчи бобида мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг тарихий онгини ўстириш, ватанимиз тараққиётига хизмат қилувчи авлодни шакллантириш учун амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар эмпирик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлил этилган.

Ўқувчи ёшларда тарихий онгни фаол шакллантириш имконини берадиган, шахснинг жамиятга мослашуви, яъни ижтимоийлашувининг муҳим агенти ҳисобланган социал институт – бу мактабдир. Тарихий жараён тўғрисидаги мунтазам билимлар мактабда – тарих дарсларида эгалланади, бунда ўқувчилар ўтмиш тўғрисида илк бор бир тизимга солинган тарзда тасаввур ҳосил қиладилар. Лекин фактни билишнинг ўзи ҳали илмий билим бўлмай, уни тушуниб олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш талаб этилади, шундагина фактлар тарихий жараённинг яхлит концепциясига қўшилиб, тарихий хотира тарзида мустаҳкамланади. Бу жараёнларда тарих фани дарслиги асосий ролни ўйнагани боис унинг сифати, илмийлик даражаси, унда ўтмишнинг ҳаққоний ёритилиши муҳимдир.

